



“22” 09 2020 у.г

№ 12

Toshkent sh. – г. Ташкент

Қозоғистон Республикаси ҳудудида парранда гриппи касаллиги қайд этилганлиги туфайли ва Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги Қонуни 24-моддасига мувофиқ ҳамда республикамиз ҳудудига паррандаларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари қўзғатувчиларининг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш мақсадида

### Қарор қиламан:

1. 2020 йил 22 сентябрдан бошлаб Қозоғистон Республикасидан тирик парранда (шу жумладан декоратив қушлар) инкубацион тухум, пар ва пат, парранда гўшти, тухуми ва барча турдаги парранда маҳсулотлари ҳамда паррандаларни боқиш, сўйиш, бўлаклаш мақсадида муқаддам фойдаланилган жиҳоз(ускуна)ларни республика ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан транзит олиб ўтишга вақтинча чеклов ўрнатилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторлари, Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасига:

- Қозоғистон Республикасидан юқорида қайд этилган давлат ветеринария назорати остидаги товарларни республика ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан транзит олиб ўтиш вақтинча таъқиқлансин ва паррандаларнинг юқумли касалликлари кириб келишига йўл қўймаслик бўйича барча зарурий чоралар кўрилсин;

- чегара ва транспорт ветеринария пунктлари фаолияти устидан назорат кучайтирилсин.

3. Мазкур қарор давлат ветеринария хизматининг барча тузилмаларига ҳамда манфаатдор вазирлик, идора, корхона, ташкилот, муассаса ва тадбиркорлик субъектларига етказилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ўринбосари А.Акбаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Бош давлат ветеринария  
инспектори



Б.Норқобилов